

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. F.02.02. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СУЛТОНОВА НОДИРА ЭРГАШОВНА**

**ДЎСТЛИК ВА МЕҲР-МУҲАББАТНИНГ ИЖТИМОЙ-  
АНТРОПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ  
(ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on Sciences**

**Султонова Нодира Эргашовна**

Дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг ижтимоий-антропологик

хусусиятлари (ижтимоий-фалсафий таҳлил) ..... 3

**Султонова Нодира Эргашовна**

Социально-антропологические особенности дружбы

и любви (социально-философские анализ)..... 21

**Sultonova Nodira Ergashovna**

Philosophical socio-anthropological features of friendship and Love

(socio-philosophical analysis)..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published work..... 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. F.02.02. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СУЛТОНОВА НОДИРА ЭРГАШОВНА**

**ДЎСТЛИК ВА МЕҲР-МУҲАББАТНИНГ ИЖТИМОЙ-  
АНТРОПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ  
(ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fal172 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Хусейнова Абира Амоновна,</b> фалсафа фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Агзамходжаева Саида Сабитхановна,</b> фалсафа фанлари доктори, профессор <b>Қорабоев Усмон Хосилович,</b> фалсафа фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент давлат иқтисодиёт университети</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел: (0366) 239-13-87; 239-11-40 факс: (8366) 239-11-40, e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) Самарқанд давлат университети тарих факультети биноси, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б. О. Тураев,**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, фалсафа  
фанлари доктори, профессор

**Х. А. Джуракулов,**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
фалсафа доктори (PhD), фалсафа.ф.б.

**К. Н. Назаров,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда кечаётган глобал инқирозлар, қуролланиш пойгаси, цивилизациялар тўқнашуви, терроризм, муайян табақаларнинг ҳаддан ташқари бойиб, кўпчиликнинг қашшоқлашуви, миграция билан боғлиқ низолар инсониятнинг бугун конфронтация авж олаётган, бешафкат борлиққа рўбарў турганини кўрсататмоқда. Тарихдан маълумки, жамият ҳаётида бундай тўлқинлар, бухронлар тез-тез бўлиб турган. Жамиятда рўй берувчи бундай инқироз ва зиддиятларнинг замирида инсонлардаги ёвузликнинг авж олиши, ўз биродарлари ва яқинларига меҳр-муҳаббатнинг, дўстларга садоқатнинг етишмаётганлиги ётади. Дунёдаги тартибсизлик, ахлоқий бузуқлик, низо-жанжаллар, жиноий ишлар, қолаверса, маънавий зиддиятлар дўстлик ва меҳр-муҳаббат туйғусининг заифлашганлиги ёки йўқолиб бораётганлигининг аломати бўлиб, бу туйғуларни муҳофазалаш долзарб масалалардан бирига айланди.

Жаҳон илм-фанида тараққийпарвар кучлар «хамма ҳаммага ёв» қабилидаги антигуманистик принципдан воз кечишни ва унинг ўрнига узоқ тарихий ривожланиш жараёнида шаклланган олижаноб, боқий қадриятларнинг амалий-методологик асосларини такомиллаштириш зарурлигини таъкидламоқдалар. Айниқса, «дўстлик» ва «меҳр-муҳаббат» тушунчаларига фалсафий категория сифатида ёндашиб, уларни ижтимоий-антропологик жиҳатдан ўрганиш долзарб амалий аҳамиятга эгадир. Чунки, бугунги таҳликали замонда кўп миллатли мамлакатларда, тинчлик, ҳамжиҳатликни сақлашда меҳр-муҳаббат ва дўстликнинг мазмун-моҳиятини англаган ҳолда уларни бунёдкорлик йўналишига хизмат қилдириш мақсадида бу туйғуларни бутун дунё халқлари қалбига сингдириш улкан аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда турли миллатлар вакиллари ўртасида дўстлик, аҳиллик ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга, уларнинг маданиятини, тарихини, маданий-маърифий тажрибаларини ўзаро алоқадорликда, дўстона муносабатда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди ва давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. «Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожда янги босқич бошланди. Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди».<sup>1</sup> Бу борада кўп миллатли мамлакатимизда тинчлик, ҳамжиҳатликни таъминлашда меҳр-муҳаббат ва дўстликнинг конструктив мазмун-моҳиятини жамият аъзоларига сингдириш ва илмий-амалий воқеликка татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилдир: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи // Ma'rifat. - 2017. – 25 янв. – Б. 1.

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила инсти-тутини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демокра-тик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Миллатлараро тотувлик, дўстлик, Ватанга, тарихий-маданий меросга меҳр, оила ва фарзандларга, аёл ва ота-онага муҳаббат каби гуманистик ғоялар долзарб тадқиқот мавзуси бўлиб келган. Хусусан, хориж олимларидан Ф.Бэкон, Бёме Якоб, Е.Вардиман, Гегель, Н.Кузанский, Г.В.Лейбниц, Н.Макиавелли, Г.Маркузе, Ф.Ницше<sup>1</sup>, А.Швейцар, Х.Г.Гадамер, Ф.Шиллер, И.В.Гёте, Г.Гейне, Д.Дидро, Ж.Ж.Руссо, Б.Паскаль, Ф.Баадер, Ж. Байрон, Р.Бёрнс, У.Блейк, Ж. Бруно, Р.Вагнер, Вовенарг, Вольтер, И.Гердер, Жан Поль, Ж.Жубер, Э.Кондильяк, Б.Констан, О.Конт, С.Къркегор, Ж.Любрюер, Ф.Ларошфуко, Г.Лессинг, Н.Мальбранш, Ж.Маритен, М.Монтень, А.Шопенгауэр, Р.Эмерсон асарларида мавзуга доир кўплаб фикрлар мавжуд.

Дўстлик, меҳр-муҳаббат мавзуларига оид қарашлар МДХ мамлакатлари олимларининг асарларида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, жумладан, Ю.Б.Рюриков, Б.Рассел<sup>2</sup> асарларида инсон ҳаёти, қалби, ҳис-туйғулари ва яшаш тарзига қўйиладиган маънавий-ахлоқий талабларга алоҳида эътибор берилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда А.Валиев, Э.Юсупов, С.Шермухаммедов, О.Шайхова<sup>3</sup>, Х.Алиқулов, М.Холматова, С.Агзамходжаева<sup>4</sup>, Ғ.Рахмонов, Ф.Саифназарова, М.Қаршибоев каби олимлар томонидан маънавий қадриятларимиз таркибида дўстлик ва меҳр-муҳаббат масалалари, инсон маънавияти, маданияти, ахлоқий нормалари, ижтимоий муҳитда бу тушунчаларни англаб олиш, уларга риоя қилишга доир илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Юқорида номлари зикр этилган тадқиқотчилар дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг антропоген хусусиятларини, ижтимоий-фалсафий жиҳатларини махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганмаган, балки муаммога фрагментар тарзда ёндашган. Шундан келиб чиқиб, ушбу тадқиқот ишида

<sup>1</sup> Ницше Ф. Собрание сочинения.-Т.2. Москва.: Мысль,1996. С. 321.

<sup>2</sup> Рассел Б. История Западной философий.Новосибирский.Изд-во Новосибирский университета.1999.-С.504.

<sup>3</sup> Шайхова Х.О. Баркамол авлод-ахлоқий қадриятлар қуршовида, -Тошкент.: Фалсафа ва ҳуқуқ инст., 2010.-Б.22.

<sup>4</sup> Агзамходжаева С. Ижтимоий идеал ва маънавий ҳаёт. -Тошкент. Фалсафа ва ҳуқуқ инст., 2007.-Б.29-42.

дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг антропоген хусусиятлари билан боғлиқ муаммолар ижтимоий-фалсафий жиҳатдан атрофлича тадқиқ этилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий ва илмий-фалсафий муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** «дўстлик» ва «меҳр-муҳаббат» каби ижтимоий туйғуларнинг генезиси ва унинг антропологик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

дўстлик ва меҳр-муҳаббат туйғуларининг генезисини, ижтимоий, фалсафий ва антропологик моҳиятини очиб бериш;

дўстлик ва меҳр-муҳаббат туйғуларининг ижтимоий функциялари ва ижтимоий-антропологик хусусиятларини тадқиқ этиш;

Шарқ ва Ғарб фалсафий таълимотларида дўстлик, меҳр-муҳаббат туйғуларининг ижтимоий моҳиятини ёритиш;

дўстлик ва меҳр-муҳаббат туйғуларининг ижтимоий-антропологик идеал сифатида баркамол авлодни тарбиялашга таъсири ҳамда ижтимоий-антропологик аҳамиятини асослаш.

**Тадқиқотнинг объектини** ўзбек халқи дўстлик ва меҳр-муҳаббат туйғуларининг ижтимоий-антропологик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** «дўстлик» ва «меҳр-муҳаббат» ижтимоий туйғуларининг антропологик хусусиятларини фалсафий тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда фалсафанинг анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил, социологиянинг оммавий статистика, бевосита кузатув каби усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

«дўстлик» ва «меҳр-муҳаббат» туйғуларининг ижтимоий, антропологик мазмун-моҳияти ва кўринишларини (гедонистик, эгоистик, альтруистик ва этник) таснифлаш орқали уларнинг ижтимоий муҳит таъсирида уюштирувчи, етакловчи, эргаштирувчи ва илҳомлантирувчи позитив кучга айланиши асослаб берилган;

тарихий манбаларда келтирилган «дўстлик» ва «меҳр-муҳаббат» туйғуларининг генезисига оид ижтимоий-антропологик (филантропик, эстетик, филократик, ижтимоий-ахлоқий тарбия) функциялари демократик жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларига (ҳамжихатлик, адолат, тотувлик, ҳамкорлик, бирдамлик, барқарорлик, садоқат, бағрикенгликка) адекват эканлиги асосланган;

мустаҳкам оилани шакллантиришда дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг рационал-прагматик хусусиятини (ҳис-туйғу, эҳтиросни реал ҳаёт талабларига мувофиқлаштириш) диний ва ахлоқий кадриятлар уйғунлиги асосида, мақсадга мувофиқ руҳда такомиллаштиришнинг тарихий-маданий парадигмаси аниқлаштирилган;

баркамол авлодни ҳамжихатлик руҳида тарбиялашда «дўстлик» ва «меҳр-муҳаббат» туйғуларининг ижтимоий муҳит таъсиридаги деструктив (ўзгарувчанлик) ҳолатни олдини олиш зарурлиги мантиқий изчилликда исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

миллий тажрибани қиёсий ўрганиш асосида шахсда дўстлик ва меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш механизмларини тарғиб этишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг ижтимоий-антропологик кўринишлари ва функцияларини келтириб чиқарувчи хусусиятлар аниқланган;

оила, маҳалла, мактабгача таълим муассасалари, мактаб, олий таълимда инсонларга «дўстлик» ва «меҳр-муҳаббат»ни ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланишга оид услубий тавсиялар тайёрланган;

дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг ижтимоий-антропологик хусусиятларини аниқлаш демократик жамиятни ривожлантириш омили эканлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Республика ва халқаро илмий амалий анжуманларда қилинган маърузалар, ушбу маърузаларнинг илмий тўпламларда чоп этилгани, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК белгилаб берган журналларда эълон қилинган мақолалар, илмий анжуман ва давра суҳбатларида берилган ахборот, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилгани тўғрисида тегишли ташкilotлардан хулосалар олинishi билан таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб илгари сурилган фалсафий ва илмий ғоялардан фалсафа, этика, эстетика, маданиятшунослик, этнология, аксиология, социология фанлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар ҳамда методологик фанларни ўқитишда ва мазкур фанлар бўйича маърузалар тайёрлашда ҳамда мазкур йўналишда тадқиқотлар олиб бораётган магистрантлар ва ёш тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда баён қилинган таклифлардан дўстлик ва меҳр-муҳаббатни жамиятда тарғиб қилувчи оилада, маҳаллаларда, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, олий таълим муассасалари ва аҳоли ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ўтказишда, ўқув қўлланмалари тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Дўстлик» ва «меҳр-муҳаббат» тушунчаларини шахснинг ижтимоий ҳаётида қўллаш, татбиқ этиш бўйича тавсия ва таклифлар асосида:

дўстлик ва меҳр-муҳаббат туйғуларининг ижтимоий, антропологик мазмун-моҳияти ва кўринишларини (гедонистик, эгоистик, альтруистик ва этник) таснифлаш орқали уларнинг ижтимоий муҳит таъсирида уюштирувчи, етакловчи, эргаштирувчи ва илҳомлантирувчи позитив кучга айланишига оид фикр-мулоҳазалардан «Ўзбекистон Республикаси Қирғиз маданий маркази ишлаб чиққан тадбирлар дастурининг «Дунё халқлари, дўстликни қадрлайлик» номли тадбирлари ижросини таъминлашда ҳамда «Қардош халқларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш тизимига доир назарий, амалий ва методологик жиҳатларини уйғунлаштириш»га оид йиллик дастурининг «Барча миллатларнинг меҳр-муҳаббати ва дўстликни асраш кераклиги» деб

номланган бўлимини шакллантиришда ва уларга қўйилган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қирғиз маданий марказининг 2019 йил 27 февралдаги 04-13/10-сон маълумотномаси). Бу эса, ўз навбатида, республикамиз ёшларининг дунёқараши ва маданиятини ривожлантиришга хизмат қилган;

тарихий манбаларда келтирилган дўстлик ва меҳр-муҳаббат туйғуларининг генезисига оид ижтимоий-антропологик (филантропик, эстетик, филократик, ижтимоий-ахлоқий тарбия) функциялари демократик жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларига (ҳамжиҳатлик, адолат, тотувлик, ҳамкорлик, бирдамлик, барқарорлик, садоқат, бағрикенгликка) адекват эканлигига оид илмий фикрларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг чора-тадбирлар дастуридаги «Миллатлараро дўстлик абадий бўлсин!» номли тадбирни ҳамда «Меҳрли халқлар» клубини ташкил қилишда ва унинг олдида қўйилган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг 2019 йил 2 мартдаги 04-14/12-сон маълумотномаси). Натижада инсоннинг ҳаётга меҳрли, муҳаббатли бўлиши, дўстликни кадрлаши, давлатларнинг ўзаро ҳамжиҳатлик муносабатлари ҳамда иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

мустаҳкам оилани шакллантиришда дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг рационал-прагматик (ҳис-туйғу, эҳтиросни реал ҳаёт талабларига мувофиқлаштириш) хусусиятини диний ва ахлоқий кадриятлар уйғунлиги асосида, мақсадга мувофиқ руҳда такомиллаштиришнинг тарихий-маданий парадигмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг вилоят, шаҳар ва туманлардаги «Бўлғуси келин-куёвларнинг инновацион мактаби»ни ташкил қилиш ва унда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ҳамда болалар ва ёшлар учун оила, маданият ва тарбия масалалари бўйича китоблар чоп этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг 2019 йил 30 августдаги 836-сон маълумотномаси). Натижада оилаларни, оналар ва болаларни меҳрли бўлишга даъват қилиш ва миллий кадриятларимизнинг бош бўғини бўлмиш оила аъзолари ўртасида меҳр-оқибатни кучайтиришга хизмат қилган;

баркамол авлодни ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашда дўстлик ва меҳр-муҳаббат туйғуларида ижтимоий муҳит таъсирида юзага келадиган деструктив (ўзгарувчанлик) ҳолатнинг олдини олиш зарурлигига оид фикр-мулоҳазалардан «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгашининг тадбирлар дастури»ни шакллантиришда, хусусан, унинг «Дўстлик ва меҳр-муҳаббатни кадрлаш керак» номли бўлимини ишлаб чиқишда ва ундаги вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2018 йил 8 сентябрдаги 04-13/4657-сон маълумотномаси). Бу эса, ўз навбатида, республикамиз аҳолиси, айниқса ёшларининг дунёқараши ривожланиши ҳамда соҳага оид тарғибот ва ташвиқот ишлари самарадорлигига ижобий таъсир қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижа-ларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола (2 та республика ва 1 та хорижий журналда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр қилинган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг ижтимоий-фалсафий ва илмий-антропологик таҳлилининг назарий-концептуал асослари»** деб номланган биринчи бобида дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг ижтимоий-антропологик сифатларини шакллантиришнинг назарий-методологик асослари, «дўстлик», «меҳр», «муҳаббат», «инсон маънавияти», «шахс», «одам психологияси» ҳамда «антропологияси» тушунчаларининг алоҳида ва ўзаро боғлиқ хусусиятлари, шунингдек Марказий Осиё мутафаккирларининг дўстлик, меҳр-муҳаббатга доир қарашлари ҳамда инсоннинг ижтимоий ҳаёт фаолиятини такомиллаштиришнинг замонавий кўринишлари тадқиқ этилган.

«Дўст», «ўртоқ» деган тушунчалар ўзаро ишонч, самимият, ҳурмат, хуш кўриш ҳиссининг ифодаси бўлиб, ана шу ҳис-туйғулар одамларни ўзаро яқинлаштиради. Инсонлар ўртасидаги дўстона муносабатлар кўпинча оддий ўртоқликдан бошланади. «Дўстлик» ва «ўртоқлик» сўзларининг луғавий маъноси турли манбаларда ҳар хил баён этилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида форс-тожик тилидан келиб чиққан «дўст» сўзи «иноқлик, тотувлик, аҳиллик муносабатлари билан боғланган, кўнгли, дили яқин; тарафдор, ҳомий» сифатида изоҳланган. «Дўстлашмоқ» дўстона муносабатлар боғлаб, яқинлашмоқ, аҳиллашмоқ маъноларини англатиши кўрсатилган<sup>1</sup>.

Шарқ мутафаккирларининг асарларида ҳам «дўстлик» категорияси кўп маъноларга эгаллиги қайд этилган. Агар «муҳаббат» эътиқодгина эмас, балки инсоннинг моҳиятини англаш ҳам бўлса, «дўстлик» – одамларни ҳақиқатни билишга ундаш, уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш, одамлар ўртасида

<sup>1</sup> Ўзбек тили изоҳли луғат. 2 томлик. 1 жилд / З.М.Маъруфов таҳрири остида. – Москва: Русский язык, 1999. – Б. 244.

ҳамкорлик, яқинлик, аҳиллик, мураса ўрнатишга қаратилган инсоний фазилат эканлиги таъкидланади.

Қадимги юнон файласуфлари дўстликни «филео», яъни муҳаббатнинг бир кўриниши сифатида эътироф этган бўлсалар, Жомий ҳам «дўстлик» тушунчасини «муҳаббат» билан айнанлаштирган<sup>1</sup>. Дўстлик бор жойда муҳаббатни шакллантириш мумкин.

Ижтимоий ҳодисалар ва ички кечинмаларни ифода этувчи тушунчаларда умумийлик, ўзига хослик (хусусийлик) мавжуд бўлишини Шарқ мутафаккири Жомий ва Ғарб файласуфи Гегель қайд этишган эди. Аммо ушбу умумийлик, ўзига хослик Гегелда хусусийлик, унинг кўринишлари, шакллари, ички ва ташқи алоқаларида намоён бўлади<sup>2</sup>.

Таҳлиллар дўстлик ва меҳр-муҳаббат ҳақидаги илмий қарашларнинг қуйидаги кўринишларини таснифлаш имконини берди:

1. Дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг *архаик кўринишлари* урф-одатлар ва жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидаларга сўзсиз бўйсунишда, ушбу нормаларни бузганлар барча жамоа аъзолари томонидан қораланишида намоён бўлади.

2. *Мифологик шаклларида* дўстлик ва меҳр-муҳаббат турли мифологик мавжудотлар хатти-ҳаракатлари орқали ифодаланади. Улар ғайритабиий куч-қувватга, эҳтиросларга эга, лекин улар ҳам севиш, севилиш, айниқса ердаги кишилар билан муайян шаклларда алоқаларга киришишни истади.

3. Меҳр-муҳаббатнинг *теологик (илоҳий) кўриниши* дин, диний тасаввурлар, образлар билан боғлиқ бўлиб, бундай ҳис-туйғулар илк диний тасаввурлардаёқ кўзга ташланади.

4. *Гедонистик кўринишлари*. Бундай меҳр-муҳаббат элементининг борлигини бутунлай инкор этиб бўлмайди. Бировга ёки бирор нарсага меҳр қўйиш, севиш мудом субъектга руҳий-маънавий кўтаринкилик, завқ-шавқ бахш этади, айнан ушбу ҳолат уни турли қийинчилик ва ғовларни енгиб ўтишга, хаёлида шаклланган мақсадга етишга ундаб туради.

5. *Эгоистик (нарцисстик) шакллар* ўзига ошиқлик, худбинлик ифодаси сифатида юзага келади.

6. *Этник кўринишлари*. Бундай меҳр-муҳаббат инсоннинг ўз миллати, халқи, этносига бўлган позитив маънодаги ҳис-туйғуларини қамраб олади.

7. *Ижтимоий кўринишида* дўстлик ва меҳр-муҳаббат негизида инсоннинг ўзи яшаётган жамият, давлат манфаатларига хизмат қилиш, шахсий қизиқишларини мазкур манфаатлар билан уйғунлаштириш ётади. Дўстлик ва меҳр-муҳаббат шахс, қолаверса, жамият ва давлатнинг тараққиётини белгилайди.

8. *Альтруистик кўриниши*. Дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг ушбу кўриниши шунчаки ички кечинмалар, ҳис-туйғулар эмас. У куч-қувват ва имконият, сарф-харажат, вақт, умр, керак бўлса, фидойиликни талаб қилади.

9. *Умуминсоний кўриниши*. Инсониятни бир бутун ижтимоий бирликка уюштирган, унинг тирик организм сифатида яшашини таъминлаб келаётган,

<sup>1</sup> Джами А. Бахаристан. – Ташкент, 1955. – С. 39.

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б. 262.

абადий мавжудлигини таъминлайдиган асос – меҳр-муҳаббат, унинг индивидуал поғонадан умуминсоний поғонага кўтарилишидир.

Диссертацияда дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг ўзига хос, нисбатан мустақил воқелик эканини англаш учун унинг кўринишларини тадқиқ этиш етарли эмаслиги таъкидланади. Дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг моҳияти уларнинг функцияларида ҳам намоён бўлади. Объектнинг функциялари эса объект тааллуқли бўлган тизимнинг ички хусусиятларини ҳам ифода этади. Демак, тадқиқот объектнинг ички хусусиятларини билиш учун объект тааллуқли бўлган тизим (система)нинг функцияларини ҳам ўрганиш даркор.

Дўстлик ва меҳр-муҳаббат ўзига хос, нисбатан мустақил воқеликлар сифатида тизимли функцияларига эгаки, тадқиқотда уларнинг шахс ва жамият ҳаётида намоён бўлиши очиб берилади. Шу тариқа дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг функциялари улар тааллуқли бўлган жамият функциялари билан бирга диалектик алоқада ўрганилади. Чунки, меҳр-муҳаббат ижтимоий воқеликнинг оддий инъикосигина эмас, балки ижтимоий муносабатлар детерминистик таъсирининг маҳсули ҳамдир. Ушбу методологик аҳамиятга эга ёндашув дўстлик ва меҳр-муҳаббат функцияларини жамият функциялари билан уйғунликда, детерминистик таъсирлар синтези орқали таҳлил қилиш заруратини юзага келтиради.

Диссертацияда дўстлик ва меҳр-муҳаббат функциялари жамият функциялари билан уйғунликда қуйидаги шаклларда намоён бўлиши кўрсатилган:

1. *Ҳаётни асраш функцияси.* Ҳаёт учун кураш барча тирик организмларга хос хислатдир. Шунинг учун ҳам «яшаш ҳуқуқи», халқаро ва миллий қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Дўстлик ва меҳр-муҳаббат инсоннинг руҳий-маънавий оламига тааллуқли ҳодиса сифатида унинг асл моҳиятини ташкил этади ва уни ҳаётни асрашга йўналтиради.

2. *Филантропия функцияси.* Дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг филантропия (инсонпарварлик, инсонни севиш) функцияси объектларни фарқлашни тақозо этади. Дўстлик ва меҳр-муҳаббат, объектига кўра, инсонга, нарсаларга, заминга, касб-корга, Ватанга, пулга, ҳузур-ҳаловатга, ижодга қаратилган бўлиши мумкин. Лекин улар ичида инсонга қаратилган дўстлик ва меҳр-муҳаббат асосий ўринда туради, зеро у жамиятнинг ривожланиш қонуниятини белгилаб беради.

3. *Релаксация функцияси.* Ушбу функция орқали меҳр-муҳаббат инсондаги кучли хис-туйғулар, эҳтирослар боис юзага келган зўриқишдан қутулишга, мушакларнинг бўшашишига имкон беради. Эркак билан аёл ўртасидаги меҳр-муҳаббатда мазкур функция эротизм тарзида намоён бўлади.

4. *Эстетик функция.* Дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг ушбу функцияси инсондаги, объектдаги нафислик, назокат, бетакрорлик, хушсуратлик, жозибадорлик, мафтункорликни ифода этади. Дўстлик ва меҳр-муҳаббат билан гўзаллик мудом ёнма-ён келган, бир-бирини тўлдириб, борлиққа етуклик бахш этган.

5. *Рационал-прагматик функция.* Ушбу функция дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг инсон ҳис-туйғулари, эҳтиросларини реал ҳаёт талабларига мувофиқлаштириши, уларни ҳаётий мақсадларга бўйсундиришида намоён бўлади. Инсон ижтимоий борлиқ қоидалари ва талабларига бўйсуниб яшашга мажбур. Меҳр-муҳаббат туйғуси қуруқ романтизм, хаёлий тасаввурлардан иборат эмас. Ушбу функция инсонни душман эмас, дўст қидириб, меҳнат қилиб, тинч-тотув яшашга ўргатишдан иборат.

6. *Ижодий функция.* У дўстлик ва меҳр-муҳаббатдек гўзал, олижаноб туйғуларнинг инсонни ижод қилишга, бетакрор дурдоналар яратишга, янги кашфиётлар қилишга, хуллас, ижтимоий борлиқни янада баркамол қилишга ундашида намоён бўлади.

7. *Филократия функцияси.* Бу функция инсоннинг ҳокимиятга, бошқарув ишларига, жамоага етакчилик қилишга интилишида, хусусан тарихда сезиларли из қолдирган подшоҳлар, императорлар, саркардалар, давлат арбоблари ҳаётида ёрқин намоён бўлади. Бундай шахслар буюк ташкилотчилик, йўлбошчилик, халқ, миллат ва барча кишиларни ўз атрофига бирлаштириш, улкан ишларга, ғалабаларга, янги ижтимоий-маънавий борлиқ, жамият яратишга бошлаш фазилатларига эга бўладилар.

8. *Трансцендентни излаш функцияси.* Дўстлик ва меҳр-муҳаббатда ўй-хаёлга, фантазияга, яъни трансцендентга берилиш мавжуд. Худони, илоҳни излаш, Э.Фромм талқинига кўра, инсоннинг борлиқдан, табиатдан ажралиб, ўзини ёлғиз сезиши билан боғлиқ<sup>1</sup>.

9. *Ижтимоий-ахлоқий тарбия функцияси.* Дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг моҳияти уларнинг ижтимоий-ахлоқий жиҳатларида тўлиқ намоён бўлади. Уларнинг барча кўринишлари ва функциялари ижтимоий-ахлоқий моҳиятга эга бўлиб, ҳар бир қирраси инсоннинг маънавий-руҳий оламини инсоний фазилатлар, гўзал сифатлар, гоҳо шахснинг ўзи ҳам охиригача англаб етмаган бетакрор, мўъжизавий тасвирлар, мотивлар, сабаблар билан безайди. Француз мутафаккири Ф.Лорошфуко айтганидек, «дўстликда ҳам, муҳаббатда ҳам бахт-саодат кўпинча биз кутмаган томондан кириб келади»<sup>2</sup>. Муҳаббат қалбда тасодифан уйғонгач сир-асрорга тўла, ҳеч бир ақл англай олмайдиган, охиригача билиб бўлмайдиган феномен бўлиб қолади. Ана шу жиҳати билан у инсондаги гўзал, айни вақтда ўзини тўла намоён қилмаган куч, фазилат, хислатларни кашф этади.

Демак, дўстлик ва меҳр-муҳаббат ижтимоий-антропологик сифатни, инсоннинг юксак маънавиятини шакллантиришнинг асосий омили бўлиб, бу билан шахснинг ҳис-туйғуларини ижтимоий борлиққа йўналтиради.

Диссертациянинг «**Шарқ ва Ғарб фалсафий меросида дўстлик ва меҳр-муҳаббат масалаларининг таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг шарқ ва ғарб фалсафасидаги талқини қиёсий ўрганилган. Бу борада шарқ мутафаккирларининг асарларида дўстлик ва меҳр-муҳаббат туйғулари назокат билан ёритилган бўлса, Ғарб адабиётларида вульгар тарзда, очиқ-ошкора баён этилган.

<sup>1</sup>Фромм Э. Искусства любить. Исследование природы любви. – Москва.: Педагогика, 1990. – С.81.

<sup>2</sup>Тюриков В.И., Шоғуломов Р.Ш. Аёл муқаддасан. – Т.: Ёзувчи, 1999. – Б. 15.

Хусусан, Ўрта Осиёда яшаб ижод этган Ал-Хоразмий, Беруний, Фирдавсий, Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий, Улуғбек каби буюк алломалар қолдирган илмий меросда маърифий қарашлар тизими жуда кенг ёритилган бўлиб, уларнинг мазмунида одоб-ахлоқ, тарбия, бурч каби фазилатларга доир фикрлар мавжуд. Бу мутафаккирлар «ахлоқ» тушунчасининг мазмунига бурч, виждон, ватанпарварлик, дўстлик, биродарлик, имон, эътиқод каби хислатларни киритиб, ҳар бирининг мазмунини тўлиқ очиб берганлар.

Ибн Сино «Ахлоқ ҳақида рисола» асарида инсоннинг умумий фазилатлари ҳақида гапириб, кишилар хулқида яхши ва ёмон одатларнинг пайдо бўлиши сабабларига тўхталади. У инсоннинг яхши ва ёмон бўлишига ҳукумат аҳилларининг ҳам таъсири катта деб билади<sup>1</sup>.

Дўстлик ва меҳр-муҳаббат инсоннинг жамиятда ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳрибонлик, дўстлик, ёру биродарликни таъминловчи маънавий омил сифатида намоён бўлади. Дўстлик ва меҳр-муҳаббат – инсоннинг ҳаёти, ахлоқи, ижтимоий ҳаёт тарзи ва маънавиятига бевосита боғлиқ ҳодиса. Меҳрли инсон ахлоқий иллатлардан йироқ бўлади. Дўстига, шахсларга меҳр-муҳаббатли инсоннинг дунёқараши, маънавияти, онги, антропологик хислатларида самимийлик, одамгарчилик, юксак нафосатни кузатамиз.

Шарқ уйғониш даврида (X–XV асрлар) инсон ва унинг ахлоқий-фазилатларини куйлаш, инсонпарварлик кадриятларини тарғиб этиш, инсонга хос меҳр-муҳаббатни улуғлаш муҳим ўрин эгаллаган. Шу билан бирга, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида инсоннинг бу дунёда яшашдан мақсади бахт-саодатга эришувдир, деган ахлоқий ғоя илгари сурилади. Ўрта асрлар маънавий-ахлоқий тафақури ривожда комил инсон ғоясини талқин этиш етакчи ўрин эгаллайди. Ушбу ғоя Абу Наср Форобий асарларида, ислом дини ва тасаввуфий адабиётларда кенг талқин этилади<sup>2</sup>. Умуман, Шарқ тарихий ривожланишининг барча босқичларида виждонлилик, нафсни тийиш, адолат, софдиллик, ростгўйлик, қатъийлик, инсонпарварлик, ор-номус, сахийлик, меҳр-шафқат, солиҳлик, ҳомийлик, мурувват, одамийлик, илм-фан ва касб-хунарни эгаллаш, бағрикенглик, олий ҳимматлик, ота-она ва кексаларни ҳурмат қилиш, ўзгаларга, етим-есирларга ёрдам бериш ҳамда бошқа миллий ва умуминсоний кадриятлар, қаршиликларга учраб бўлса-да, янги мазмун билан бойиб борган<sup>3</sup>.

Меҳр-муҳаббатни оилапарварликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айнан оилада, оилавий муносабатларда Шарқ фалсафий ғоялари, шарқона урф-одатлар, қарашлар турмуш тарзидаги ҳолатларда тўлиқ намоён бўлади.

Халқпарварлик, ватанпарварлик кишидаги ички кечинмаларни ижтимоий манфаатлар, халқ, Ватан иқболи, равнақи билан

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Фалсафий қиссалар. – Т.: Ўз. адаб.нашр, 1963. – Б. 8

<sup>2</sup> Аликулов Ҳ. Фалсафий мерос ва маънавий ахлоқий фикр ривож. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. – Б. 12.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

уйғунлаштиришдан ҳосил бўладиган фазилатлардир. Халқини, Ватанини севиш, меҳр-муҳаббат кўрсатиш ички, интенсив кўринишда қолиши мумкин эмас, инсон ушбу интенсив кўринишдаги туйғуларини халқи, Ватани манфаатларига экстенсив йўналтирганидагина ўзини халқпарвар, ватанпарвар сифатида намоён этиши мумкин.

Абу Райҳон Беруний меҳнатнинг яхшилик ва билимга етаклашини қуйидагича талқин этади: «Киши ўз меҳнати ва машаққат чекишлари жараёнида, гарчи у инсонларнинг энг ақллиси ва энг зийраги бўлса ҳам, ҳамиша шод-хуррамликни орзу қилиб, севинч келтирадиган нарсаларга мойил бўлади ва ёлғон кўриладиган нарсалардан тортилади»<sup>1</sup>. Олимнинг фикрича, киши севинч келтирадиган нарсаларни ёқтиради, шу боис меҳнат ва машаққат орқали билим эгаллайди ва шоду хуррам яшайди.

Аҳмад Дониш агар инсон тақдирга ишониб меҳнат қилмаса, озиқ-овқат, кийим топиш учун интилмаса, ишламаса, йўқчиликда, камбағалликда тушкунликка тушиб, бойликда ўзидан кетиб, бир умр шундай яшайман деб сафсата сотса янглишади, бундай одам ақлсиздир, инсон фойдали меҳнат билан шуғулланиши керак, у ўзининг кучи ва ҳаракати билан камол топади, деб ҳисоблайди<sup>2</sup>. Афлотун эса шундай ёзади: «Мен фидокорона қилинган меҳнатдан ҳосил бўладиган роҳатни бошқа ҳеч нарсада кўрмадим, чунки танамнинг саломатлиги, руҳимнинг саодатини меҳнатдан топдим. Шунинг учун «меҳнат – саодатнинг ўзгинаси» дейман»<sup>3</sup>.

Аҳмад Дониш «Наводир-ул-вақоеъ» («Нодир воқеалар») асарининг кириш қисмидаёқ дўстлари кўплиги, уларнинг яхши маслаҳатлари билан ўз асарларни ёзгани ҳамда ушбу асарлар чин дўстлар хотирасига бағишланганлигини таъкидлаган. Бу асардаги аксарият ҳикоялар дўстлик, ўртоқлик, ҳамжиҳатликнинг турмушдаги ролини кўрсатиб беришга қаратилган. Масалан, Аҳмад Дониш «Эронлик бир савдогар» ҳикоясида уммоннинг тўлқинларига йўлиққан кемалар ўлимдан, ҳалокатдан ҳамжиҳат бўлиб, уюшган ҳолда курашганликлари туфайлигина қутулиб қолганликларини ҳикоя қилса, «Мулла Холматнинг саргузаштлари»да эса халқ орасидан етишиб чиққан, унинг манфаатларини ўз манфаатидан юқори қўювчи чинакам баҳодирнинг ишларини таърифлайди.

Марказий осиелик буюк мутафаккир Абдурахмон Жомий ўз асарларида дўстлик, ўртоқлик, ширинсуханлик фазилатларини кенг баён этган. Жомий ширинсуханликнинг энг яхши аломатларидан бири рост гапиришдир, ростликни киши ўзига безак қилиб олиши керак, деб ҳисоблайди. Шоир буни, жумладан, қуйидагича ифодалайди:

Қидирма ростликдан яхшироқ зийнат?

Сочар дўстлар оёғига барчасин.

Сўзни айтсанг, ростликни айлагин одат,

Ўзи ўлгач душманлари билишар,

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. 100 ҳикмат. Ибратли сўзлар. – Т.: Фан, 1993. – Б.11.

<sup>2</sup> Қаранг: Донишманлар одоб-ахлоқ тўғрисида. – Т.: Ўқитувчи, 1986. – Б. 39.

<sup>3</sup> Ўша асар. – Б. 23.

Хасис киши териб йиққан нарсасин<sup>1</sup>.

У инсонлар дунёқарашининг такомиллашувида, камолотнинг таркиб топишида дўстликнинг аҳамиятини, дўстларнинг бир-бирига меҳр-мухаббати, садоқатини ҳар нарсадан юқори қўяди ва ҳар кимнинг ўзига муносиб дўсти бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалам «уч нарса борки, улар кимда бўлса ҳаловат топади» деган. Улардан учинчиси кишига фақат Аллоҳ учунгина мухаббат қилмоқдир. Мухаббат Аллоҳ учун бўлгандагина инсон комил иймон ҳаловатини топади. «Бу мухаббат икки томоннинг Аллоҳга бўлган мухаббатидан келиб чиққан муборак мухаббатдир. Чунки уларни биродар қилган, дўстлаштирган Зот Аллоҳ таоллонинг Ўзидир. Шунинг учун мўминларнинг ўзаро мухаббатлари Аллоҳ учун бўлмоғи лозим. Дунё ва унинг матоҳлари учун бўлган мухаббат орқали ҳеч қачон иймон ҳаловатини топиб бўлмайди»<sup>2</sup>. Инсонларни Аллоҳга бўлган меҳр-мухаббат ила дўстликка, одамийликка, самимийликка, инсонпарварликка чорлаш Шарқда умуминсоний қадрият сифатида тан олинади.

Ислом оламида Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мўминларнинг ўзаро дўстликлари, раҳм қилишлари ва меҳр кўрсатишлари худди бир жасадга ўхшайди. Ундаги бир аъзо хаста бўлса, жасаднинг қолгани унга қўшилиб бедор бўлади ва иситмалайди»<sup>3</sup>. Зеро, ислом жамиятида бир тананинг бирор аъзосига салгина озор етса, қолган барча аъзолари у билан бирга дард чекиши керак. Дунёнинг бир четидаги оддий бир мусулмонга етган мусибат дунёнинг бошқа четидаги подшоҳлик қилаётган мусулмонга ҳам етган мусибат бўлиши лозим.

Мусулмонлар орасида бир-бирга ёрдам бериш, дўстликни қадрлаш, меҳр-оқибат, ўзаро ҳамдардлик ижтимоий-антропологик хусусиятларнинг бир кўринишидир. Шарқ илмий меросида дўстлик ва меҳр-мухаббат умрнинг мазмуни яхши ҳаёт кечириш, тинч-осойишта яшаш, баркамолликка эришиш, бахтиёр бўлиш манбаи экани қайта-қайта такрорланади. Шарқ донишмандлари шундай дейди: Тўрт нарса роҳатда умр кечириш сабабчиси: хотиржамлик, иноқлик, фароғат, ҳайру эҳсон. Тўрт нарса тўрт нарсани келтиради: сукут сақлаш – тинч яшашни, яхшилик қилиш – саодатни, саховат – улуғликни, хушмуомалик – халқ мухаббатини. Тўрт нарса одамни баркамол қилади: самимий дўст маслаҳатлари билан иш олиб бориш, душман билан хушмуомалада бўлиш, аччиқ сўзни ютиш, нафс орзусини сусайтириш. Тўрт нарса бахти иқбол даракчиси: дўстлик, меҳр-мухаббат, вафодорлик, мулойимлик, тавозе»<sup>4</sup>.

Кўриниб турибдики, инсонпарварлик меҳр-мухаббат, эзгулик, дўстлик, бир-бирига ёрдам бериш, бахт-саодатга эришишда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, хушмуомалик, саховат каби инсоний фазилатлар уйғунлигидир.

<sup>1</sup> Жомий А. Танланган асарлар. – Т.: Ф.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – Б. 300.

<sup>2</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 34-жуз. – Б.427

<sup>3</sup> Ўша асар. – Б.130.

<sup>4</sup> Донишмандлар одоб ахлоқи ҳақида. – Т.:Ўқитувчи, 1986. – Б. 43.

Шарқ фалсафий-ахлоқий меросида дўстлик ва меҳр-муҳаббат инсонни маънавий-руҳий, ахлоқий баркамолликка етакловчи гўзал инсоний туйғу сифатида улуғланади. Тўғри, дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг дастлабки поғонаси, яъни шахсга бўлган меҳрни, дўстлик ва севги-муҳаббатни тасвирлашда инсондаги ички кечинмалар, Ғарб фалсафасида эса меҳр-муҳаббатга ички зиддиятлар ҳамда ранг-барангликка мойил туйғу ва муносабатлар инъикоси сифатида қараш устунлик қилади. Моддий бойликка, пул, мансаб-мартабага, шон-шуҳратга, фахшга ўчлик ҳам меҳр-муҳаббат кўринишлари сифатида талқин этилади.

Албатта, инсонда мазкур хислатлар мавжуд, аммо улар инсон ижтимоий-ахлоқий борлигининг мазмун-моҳияти ва субстанционал асосини ташкил этади, дейиш қийин. Ғарб кишиси ҳам севиб-севилиб яшашни, Ватани, халқи, миллатини эъзозлашни, меҳнатсеварлик, илмпарварлик, адолатпешалик, саховат каби фазилатларни қадрлайди. Аммо Ғарбдаги ижтимоий-ахлоқий муҳит ва муносабатлар индивидуализмни, ўзини ўзи камолга етказиш, эркин яшаш, муҳаббатда очиқлик, анъанавий қадриятни қўллаб-қувватлаши билан Шарқ маданиятидан фарқ қилади.

Меҳр-муҳаббатнинг энг юксак босқичи умуминсоний меҳр-муҳаббатдир. Шу давргача ушбу туйғу ижтимоий-ахлоқий идеал ҳисобланиб келди. Ҳозир инсоният шундай бир тарихий-маданий босқичга қадам қўйяптики, энди у юқоридаги идеални реал воқеликка айлантириши зарур. Дунёда кечаётган глобаллашув дўстлик ва меҳр-муҳаббатни умуминсоний-ахлоқий қадриятга айлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Умуминсоний меҳр-муҳаббатни ижтимоий-ахлоқий идеалдан инсониятни глобал инқирозлардан, уруш, таназзул ва низолардан холос қилувчи кучга айлантиришни, аввало, инсоннинг ўзи исташи лозим.

